



Чўлпон XX аср ўзбек шеъриятининг энг йирик вакили. У ўткир шеърияти, юксак таржималари, кучли драмалари, мумтоз романи ва куюнчаклик билан ёзилган публицистик маколалари хамда жанговар ижтимой фаолияти билан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти ва ўзбек миллий тафаккури ривожига ўзининг улкан хиссасини кўшди. Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чўлпон озодлик, тенглик, адолат, мустакилликнинг кўркмас куйчиси ва зулм, ёвузлик, боскинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шухрат козонди, хатто, «чўлпончилик» деган йўналишнинг сардорига айланди (совет мафкурачилари «чўлпончилик» иборасини аслида салбий, яъни «миллатчилик» маъносида кўллаган, хакикатда эса у миллатпарварлик, адолатпарварлик тушунчасини ифодалаган).

Чўлпон шоирнинг тахаллуси бўлиб исми-фамилияси Абдулхамид Сулаймоновдир. У 1897 йилда Андижон шаҳрининг Катортерак махалласида дунёга келди. Шоирнинг синглиси Фоика ая, «Абдулхамидинг йили сак эди, демак, 1898 йилда тугилган», дейди. «Садои Туркистон»-нинг 1914 йил 18 апрель сонида Абдулхамид имзоси билан «Туркистонлик кардошларимизга» ва 24 сентябрь сонида «Маорифпарвар» бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспиринский хазратлари хакида таъзияномамиз» деган шеърлари босилади. Биринчи шеър остига Абдулхамидни 15 ёшда, иккинчи шеър остига 16 ёшда, деб кўйилган. В. Ян томонидан «Катта совет комуси» учун ёзилган маколада (улар дўст бўлишган, маколадаги далилларни бевосита Чўлпондан сўраб ишлатган) ва НКВД хужжатларида 1897 йилда тугилган дейилган.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон Мулла Мухаммад Юнус ўгли ўз даврининг илгор, ўқимишли зиёлиси бўлган. У аввал дехкончилик билан шугулланган бўлса-да, кейинча савдо-тижорат ишлари билан машгул бўлган, Сулаймон баззоз деб ном чикарган. Гарчанд у руҳоний бўлса-да, жаҳолатга карши турган, вактли матбуотни мунтазам ўқиб борган, шеърлар битган, газалларига «Расво» тахаллусини кўйган. Абдулхамидинг хам мулла килмокчи бўлади, эски мактабда, сўнgra мадрасада ўқитади. Бўлгуси шоир рус-тузем мактабида таълим олиб, рус тилини ўрганади. Абдулхамидинг онаси Ойша аянинг саводи бўлмаса-да, ўткир зехнли, халкижодини яхши билган шуурли аёл бўлган. Чўлпон ўша вактда Тошкентда, Самаркандда, Козонда, Бокуда ва Туркияда чикиб турган газета, журнallарни ўқиб борган. И smoil Гаспиринский, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Хамза, айникса, Фитрат асарларини, уларнинг ижтимоий-сиёсий карашларини ўрганади, улардан руҳланади. «Улуг хинди» маколасида ёзишича, Чўлпон, Навоий, Лутфий, Хусайн Бойкаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фуркат, Мукимиидан тортиб Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, А. Кодирий, Авлоний, Тавалло, Сиддикий, Хамзагача хар хил даражадаги ва йўналишдаги ижодкорларни, шунингдек Тўкай, X. Жовид, Алиф Сайфи, Ризо Тавфик, Яхё Камол, Тагор каби хинд, озарбайжон, турк, татар ёзувчиларини ўқийди-ўрганади. Булардан Ризо Тавфик, Яхё Камол, айникса, Тагор дилига якин туюлади.

Чўлпоннинг сиёсий онги, ижтимоий карашлари ва миллий бадиий тафаккурининг ўсишида унинг ижтимоий хаётда фаол иштироки мухим ахамиятга молик бўлди. Барча вактли матбуотларда ўз маколалари, фельветонлари, шеърлари билан иштирок эта бошлайди. Ахмад Закий Валидий Чўлпоннинг 1917 — 1918 йилларда Бошкirdистонда хукумат раисининг котиби бўлиб ишлаганини айтади. 1919 йилда Фаргонада чикадиган «Янги Шарқ» газетасида ишлайди. 1921 — 1922 йилларда «Ахбори Бухоро» газетасида мухаррирлик килади. 1923 йилда Андижонда «Дарҳон» газетасида масъул мухаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. 1924 йилда Москвада ўзбек маориф уйида ўзбек театр студияси ташкил этилади. Унда А. Хидоятов, Л. Назруллаев, Уйгур, Е. Бобожонов, М. Мухамедов, С. Эшонтўраева каби ёшлар таълим олишган. Чўлпон шу студияда раҳбар, адабий эмакдош сифатида ишлаган, «Ревизор», «Маликаи Турандот» асарларини таржима килиб берди ва ўзбек артистлари уларни сахналаштириди. Студия талabalari 1927 йилда ўкишни тамомлаб Тошкентга кайтишди. Москвада катта ижодий мухитда сиёсий онги ва эстетик дири ўсиб, камол топиб келган Чўлпон большевиклар учун янада хавфлирок туюла бошлади. 20-йиллар бошларида Чўлпонга карши бошланган кураш энди авжига чиқди, матбуотда кетма-кет уни миллатчидан олиб миллатчига солишиди. Олим Шарафиддинов «Чўлпон йўксул халкнинг шоири эмас. У — миллатчи, ватанпаст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», деди. 1927 йил 4—5 октябрда Ўзбекистон маданияти ходимлари II курултойи бўлади, унда Чўлпонни хатто Акмал Икромов хам танкид килади, курултойдан у хайдаб чикарилади. Чўлпон шу курултой раёсатига мактуб ёзиб, «ўз хатоларимга ўзим тушундим. У ёзган нарсаларим ва сўзларим камбагал ва йўксуллар душманларининг фойдасига хизмат килганини билдим», деб йўк айбини бўйнига олади ва театр соҳасида ишлар килиб «айбини ювишга» ваъда беради. 1928 йилда «Замона хотини», яъни «Муштумзўр» пьесасини шу ваъдасини устидан чиқиш учун ёзган эди.

Чўлпонга бўлган хуруж, тазийк кучайса кучаядики, лекин сусаймайди. У Файзулло Хўжаев маслаҳати бўйича 1932 йилда Москвага кетади ва у ерда СССР Халк Комиссарлари Кенгашида таржимон бўлиб ишлайди. Чўлпон 1923 йилда Солиха деган

кизга уйланган эди, шоир ўзидан фарзанд бўлмаслигини аниклаганидан сўнг унга жавоб беради ва 1932 йилда Москвада Екатерина Ивановна деган аёлга уйланади. Солиха бошкага турмушга чикиб, тўккиз фарзанд кўради.

Чўлпон шеър ёзадими, пьеса ёзадими ёки романми — нима ёзса, матбуот уни дўппослайверади. Хатто унинг маҳорат билан таржима килган «Хамлет» ёки «Она» романларини хам кадрламайдилар. 1937 йил 7 — 8 апрелда Ўзбекистон ёзувчилар Юшмасининг мажлиси бўлади. Чўлпон сўзга чикиб имкони борича меҳнат килиб, янги асарлар ёзгани, кўплаб таржималар килгани, бирок улар адолатсизларча танкид килинганини айтиб, «мен миллатчи эмасман», дейди. Бу вактда Чўлпон Хамза театрода адабий эмакдош эди. «Муштум»да хам адабий ходим эди. Чўлпон совет тузумини, компартияни, Ленинни мактаб «Соз» тўпламини чикарди, «Жўр» тўпламини нашрга топширди, «Кеча ва кундуз» романида ўтмишни фош этди, «Борис Годунов», «Она» каби асарларни таржима килди, «Замона хотини» пьесасида аёллар озодлиги масаласини химоя этди. Лекин уринишлари уни фожиадан саклаб кололмади. 1937 йилда уни хибсга олишди, 1938 йил 4 октябрда отиб ташлашди.

Чўлпонда ижод туйгуси эрта уйгонди. Хали талабалик йилларидаёк унинг шеър, макола, фельетон ва хикоялари матбуотда кўрина бошлайди. 1914 йилда унинг-«Бизнинг халқ» шеъри, «Курбони жаҳолат» хикояси, «Дўхтур Мухаммадёр» хикояси («Садои Туркистон») ва «Мадрасаларимиз ахволи» («Садои Фаргона»), «Мактаб» («Садои Туркистон») каби макола, хабарлари босилди. Буларда маърифатпарвар ёзувчи сифатида кўринади. Чўлпон бадиий адабиётнинг вазифаси халкни жаҳолат уйкусидан уйготиш, жамиятнинг ривожига ва инсон баркамоллигига халакит берувчи иллатлардан халос бўлиш — руҳий, маънавий форигланишдан иборат деб билди. У «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 15-сонида босилган «Адабиёт надур?» маколасида «Бас, масала бу тарик экондур, хаётимизнинг бетўхтов харакат килиб турмоги учун сув, хаво накадар зарур бўлса, кундалик машратимиз йўлида руҳимиз ва вужудимизни захматкаш фалакнинг кора кирлари, аччик курумларидан ювиб турмок учун адабиёт шу кадар зарурдир», дейди. «Кор кўйнида» хикоясида кари чолга учинчи хотин килиб берилган ўн етти яшар Шарофратнинг кора куни — кора тақдирини кўрсатади. Тўй бўлиб ўтган кўчани «коп-коронги жимжит бир гўристон», «бу кечака худди эшон бобонинг кўнглидек бўлиб колган», деб таърифлайди. Мамат коровул бу фожиали холни «Дунё ўзи шу кадар тескари дунё экан... лоланинг устига кор ёғди», дейди. Чўлпон ижодига фожиали мавзу шу хикоясидан кириб келди ва охир-окибатда ижодининг ўқ томирига айланди. Фожиали вазият, фожиали мухит ва шароит, фожиали кахрамонни тасвирлаш унинг шеъриятию, хикоя, пьеса ва романининг марказий масаласига айланди. «Курбони жаҳолат»ни ёзганда Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси юртда жуда машхур эди. «Падаркуш» фарзанднинг ўғирлик йўлига кириши ва окибатда ўз отасининг котилига айланишининг сабаби жаҳолат ва илмсизликка бояланган эди, бир ўринда курбони жаҳолат бўлди, дейилади. Чўлпон хикоясида хам ўғрилик килган йигит, унинг касофатига айбиз йигитнинг ўзини ўлдириши хакида хикоя килинади. Шу жаҳолат курбони Эшмурод «Биз одам бўлмаймиз... Битамиз... Инкиroz бўламиз... Ох жаҳолат. Жаҳолат, битдук, битдук. Ўлдук... тирилмайман....», деб фикрлайди. Чўлпон кейин хам «Ойдин кечалар» (1922), «Новвой киз» (1927) каби хикояларни ёзди. Булар бадиий жихатдан пишик. Аммо илк катта хикояси «Дўхтур Мухаммадёр» хикоясида колоклик, жаҳолат танкид килиниб, илм оркали баҳт-саодатга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи бу хикоя эса бадиий жихатдан суст. Унда публицистик тафаккур устун, ёзувчи гояси

кахрамон такдирига, образ магзига сингдирилмаган. Албатта, бу хикоя Чўлпон ижодининг илк даври, илк боскичига мансуб.

Дарвоке, Чўлпон ижодий йўлини бир неча боскичга бўлиш мумкин. Хаётдаги воеалар, таъсирида унинг дунёкараши, нуктаи назарида ўзгаришлар юз бериб турди. Биринчи боскичи ўша маърифатпарварлик, жадидчилик руҳидаги асарларини ўз ичига олса, иккинчи боскичи Октябрь тўнтириши кунларида ёзган шеърларидир. Чўлпон Октябрь инкилоби халкка орзу килинган озодликни, тенгликни, мустакилликни беради, деб умид килди ва ишонди. Унинг «Кизил байрок» (1917), «Шарк нури», (1918), «Кизил байналмилал» (1920) каби шеърлари шу рухга йўғрилган. Кўп ўтмай ўйлаган орзулари сароб бўлиб чикканлигини англади. Юрда мустамлакачиликка карши озодлик харакати авж олди. Чўлпон бу курашдан гоят рухланди, зулм, боскинчилик, тенгсизликни фош этиб, чин озодликка чакирди. «Пўртана», «Ёруг юлдузга», «Тортишув тонги», «Халк», «Мен кочмадим», «Бузилган ўлкага» (булар 1920-1921 йилларда ёзилган шеърлар бўлиб, шу йўналишдадир). Тўртинчи боскичдаги шеърлари 1921-1923 йил ўрталарига тўгри келади. Бу даврда босмачилик харакати маглубиятга учрай боради. Шундан сўнг Чўлпон «Амолимнинг ўлими», «Ёнгин», «Кураш», «Виждон эрки», «Кўзгалиш», «Кўнгил», «Бас энди» каби шеърларини яратади. 1923 йилга келиб Туркистонда «босмачилик» харакати тор-мор этилади, шу туфайли Чўлпон рухий таслим йўналишидаги шеърларини ёзади. «Сомон парча», «Хазон» (1923) шеърлари мана шу бешинчи боскичга доир. Шоир ижодининг олтинчи боскичи эса, унинг совет позициясига ўтиши, «кизиллашиши» давридир. «Созим», «Мен шоирман», «Ўн олти», «Октябрь», «Яна олдим созимни», «Янги мен» каби шеърлар ана шу рухдаги асарлардир.

Хакиий ижодкор яратган образларда калбининг таржимаи холини хамда у мансуб бўлган халкнинг хаёт йўлини ўкиш мумкин. Агар Чўлпон образларига назар ташланса, Октябрь инкилобига болаларча самими ишонишидан тугилган романтик шеърларидан тортиб, то умидларининг сароб бўлиб чиккан пайтларидаги мунгли, фожиавий рухдаги шеърларигача, халкни ёвдан ўч олишга, эзгу ният учун жонини курбон килишга чорловчи ва нихоят рухий тушкунликка тушган мухит, замон — тузум хукмига таслим бўлган онларидаги кайфияти — холатигача билиш, сезиш мумкин. Чунки Чўлпон ўзини халкнинг бир зарраси, унинг дилинйнг ифодачиси ва унинг халоскори деб хис этар эди. У нихоятда таъсиручан, эхтиросли, кайнок, ёник шоир эди. Унинг ўз ибораси билан айтганда, «туйгуси сел шоир» эди, инсоннинг «рухига кириш»га муваффак бўларди. Чўлпоннинг хамлетона рухдаги — «Улуг, каттик агдарувчи бир кураш. Ё бор бўлиш, ё йўк бўлиш: йўк яраш», деган мисралари эътиборга лойик. Чўлпон ўз виждонини «илохий виждон», севгисини шунчаки мухаббат эмас, балки «илохий мухаббат», дейди, юртини, халкини шунчаки яхши кўрмайди, балки «факат Мажнун бўлиб севади» ва «бошимни у учун дорга кўяман», дейди, душманининг кудратини хам яхши билади ва шунинг учун «улуг ёв» дейди. Чўлпон вокеликдан, хаётдан кандай каттик таъсиранган, кандай холатга ва кайфиятга тушган бўлса, айтайлик ё каттик каҳрланса, ё чексиз изтиробга тушса, ё руҳи инкилоб килса, шу холатини, шу кайфиятини борлигича шеърга кўчиришга эришади. «Мен шоирми?» шеърида «Шундай гўзалликни, аттанг, агар мен рассом бўлсан эди, чизиб берардим», «хар бир тушунчамни ёза олмагач, рассомдек хаёлга чиза олмагач», «шоирлик менда бир соями дейман», дейди. Аслида Чўлпон инсоннинг рухий холатини равshan чизиб берувчи, хар бир тушунчанинг хам суратини ола билувчи буюк рассомдир. Шеърларининг ўкувчини сехрлаб, мафтун килиб кўйишининг боиси шу ерда. Унинг аксарий шеърлари ё ўзининг — «Мен»нинг бевосита дардини изхор этади ёки

кўпроқ иккинчи шахсга каратилиб, хам унинг, хам сўзловчининг рухияти, кайфиятини ифодалайди. Шунинг учун очик, самимий, рост ва гоҳ сўрок, гоҳ мурожаат, гоҳ ундов, гоҳ сухбат охангини олиб туради. Такрор ва синонимлар, хар хил таъкидларнинг кўплиги хам шу туйгуни, ниятини мукаммал бермогидан, «Киз кўшиги» шеърида банднинг бешинчи мисрасида «Кора кунлар тушди менинг бошимга» деган жумланинг факат биринчи сўзи алмаштирилиб, хар сафар такрорланиб келади (ёмон, оғир, кийин, конли, ўтли, ёрсиз кунлар тушди менинг бошимга) ва киз холатини бор бўйича гавдалантиради. «Кизил байрок»да, «Энди кора якин келмас нурлар сачратган окка», деган мисра бор. Чўлпон зулмни, адолатсизликни, тенгсизликни, баҳтсизликни кора рангда ва эзгулик, поклик, баҳтиёрлик, адолатни ок рангда идрок этади. Бу шеърни ёзган пайтида Октябр инкилоби халкни кора кундан — ўтмишдан, баҳтсизликдан халос этди, деб тушунган эди. Кўп ўтмай бу шодлиги шунчаки бир сароб, хаёл бўлиб чикканини сезади ва энди ўзбек халкининг кайтадан баҳтсиз бўлиб колганини ифодаловчи «кўланка», «булут», «парда», кискаси «кора» образи янгича маънода фаоллашади, бу образлар то «Кеча ва кундуз» романи ёзилгунча шу маънода кўлланади. Бу роман ёзилган пайтда Чўлпон руҳий енгилган, совет тузумига таслим бўлиб, яна ўтмишни коронгу, яъни кечада тусида идрок этишга мажбур бўлган эди. Чўлпон романни «Кеча ва кундуз» деб, «Кема» кисмida ўтмишнинг коронгу манзарасини чизган бўлса (ёзувчилик таланти билан чоризмнинг мустамлакачилик башарасини хакконий очган ва ўзбек халки орасида миллий уйгониш юз бераётганини кўрсатган бўлса), ёзилмаган ёки ёзилган бўлсада топилмаган «Кундуз» кисмida, эҳтимол, халкнинг Октябрь инкилобидан кейинги хаётини баҳтиёр кўринишда бермокчи ва шу йўл билан ўзини таъкиб-сиртмоқдан саклаб колмокчи бўлгандир. Чўлпон «Кеча» романида ўша тузумни «сикик мухит», «кишанли жамият», «коронги мухит» дейди, бир каҳрамони «кеча-кундуз ишлаб корнинг тўймаса, бу кандай замон бўлди?» дейди. Чўлпон «Кизил байрок» шеъридаги Октябрь инкилоби халкнинг кора кунини ёруг килди, деган фикрдан тезда кайтади: юртда авж олган талончилик, киргин, бузгунчилик, адолатсизлик, тенгсизликни кўргандан кейин икки ўт ичидаги колади, ўртанади, ёнади, йиглайди. Энди «ўшал эски, жароҳатли калбини сатрларнинг наштарила тилади», «йигловчи чолгувлари-ла» ўша фожиали мухитни тахлил килади:

Бир кўз йўқми конли ёши томмаган,  
Бутун кўнгил умидсизми, синикми?  
(«Ёнгин»)

Ёки:

Кўз ёшимда ювсам  
Юртнинг багрини,  
Тилим билан сўрсам  
Оккан конини...

Конли кунлар тушди менинг бошимга.  
(«Киз кўшиги»)

Чўлпонни ўша 20-йиллари йиглеки шоир, деб тилини кисишган, ижодини бўгишган. Ёнаётган юртини кўриб туриб, халк бошига тушган катта фожианинг гувохи бўла туриб, фожиавий шеърлар ёзмасдан иложи йўқ эди.

Чўлпон Тагор тўгрисидаги маколасида унинг бошига тушган кулфратни — аввал биродарининг хотини, кейин ўзининг хотини, икки кизи, икки ўгли ва отаси ўлганини айтиб туриб, бундай дейди: «Тагорга ўлимнинг зарбаси хам жуда каттик бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўгрисида кўп учратиларди». Мана, Чўлпон ўз кўз ёшларининг сабабини — ижодининг фожиавий пардада бўлганлигининг сабабини кандай равshan очиб беради. Чўлпон халкни бир жигаридек хис этган ва унинг фожиаларини ўз бошига тушган фожиа деб билган. Чўлпон «Менинг ўйимми кора? Ёки юрт кўкида булат?» «Йўкса унга мангуликми кора тун?» деяр экан, ўз танкидчиларига жавоб бергандай бўлади, яъни уни йиглатган юртдаги ахвол эканлигини таъкидлайди. Шоир зулмга бутун халк каршидир, яъни «халк истаги: озод бўлсин, бу ўлка, кетсин унинг бошидаги кўланка» дейди. Чўлпон халкни озодликка, мустакилликка чакирувчи жарчига айланади: янги тузумни бир кишан ва халкимизни кул тарзида идрок этади.

Тириксан, ўлмагайсан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан,  
Киshan кийма,  
Бўйии эгма,  
Ки сен хам хур тугилгансан.  
(«Кўнгил»)

Чўлпоннинг «Гўзал Фаргона», «Бузилган ўлкага» шеърлари шу кадар халк орасига кенг ёйилдики, унга шу кадар катта рухий мадад бердики, совет тузумининг химоячилари бу асарга карши канчадан-канча шеърлар, маколалар ёғдиришди (Гайратийнинг «Тузалган ўлка» каби). Бирок шеър озодлик мадхиясига айланиб кетди. Боймирза Хайит бундай ёзади:

. «Миллий кўмита (Олмонияда тузилган Миллий Туркистон Миллий кўмитаси — С.М.) Чўлпоннинг «Гўзал Фаргона» шеъри ва унинг куви асосида бироз ўзгартиш билан миллий Туркистон миллий маршининг пайдо бўлишига ташаббусчи бўлди. Бу «Гўзал Туркистон» бугунги кунда чет мамлакатларда яшаган мухожирларимиздан бугунга кадар ажralмаган севикили бир миллий куй бўлиб хизмат этмакдадир...»  
Чўлпоннинг образлари орасида «бўри», «карга», «бой-куш», «шайтон» каби рамзлар тез-тез учраб туради. Каранг: «Бўрилардан омон кутмак тентакларнинг ишидир», «Кўнглим каби йиикик уйлар, кишлоклар бойкушларга бузук кўксин очганми?». Бу образлар остида шоир рус халкини эмас, балки рус боскинчиларини, большевикларни,

чоризм сиёсатини давом эттирувчиларни фош этмокчи. Чўлпон рус халки, рус адабиёти ва маданиятини гоят севар, кадрлар эди: рус тилини зўр билган, рус ёзувчиларининг шох асарларини ўзбекчага агадарган, рус аёлига уйланган. «Кеча ва кундуз» романида рус аёлининг ижобий образини яратган ва х.к.

«Аслида большевизм Чор Русиясининг Туркистон сиёсатини мураккаб равишдаги давомидир, — деб ёзади Боймирза Хайит. — Биз бу ерда нима учун бундай фикрда бўлмоқдамиз, дейилган саволга жавоб бериш ўрнига мужоҳид ва шахид шоиримиз Чўлпон шеърларидан бир байтини хотирласак, масала аник бўлса керак, деб ўйлаймиз: Чўлпон шундай ёзган эди:

На исён, на тўлкин, на тўфон, на ўт.  
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.  
Эй ўтли кечмишим, юзингни беркит,  
Сенда шайтонларнинг хаксиз зўри бор.

Миллатимиз Чўлпон оркали билдирилган туйгуни кўп вактдан бери англаған эди. Миллатимиз шайтонларнинг зўрлигидан кутулмок йўлига кирди. Туркистон Русияни истило этмади, аксинча Русия Туркистонни ишғол этди. Бунинг билан икки халк орасида тарихий ракобатлар бошланди. Рус миллати империалист эмасдир. Аммо унинг империалистик табиатини ташиған вакиллари бутун дунёдаги империализмнинг устозларидир. Русиянинг шундай бир тўдаси Русиянинг хам хокимиmdir. Туркистон Русиянинг Салтиков-Шчедрин айтганидек «абадий ейдиган, лекин тўймаган» («вечно жирюших, но не сытых») табиатидан кутулмокни истайди. Туркистон хеч бир вакт рус халкининг душмани бўлмагандир».

Чўлпон худди шу позицияда турди. Чўлпон хам рус халкининг душмани бўлмаган, аксинча унинг маданиятини, эркиилик рухини ўзбеклар орасида таргиб этган. Аммо босмачилик даврида золим большевик руслар элни шафкатсиз кирди, талади. Туркистон Халк Комиссарлар Кенгашининг раиси К. Отабоев 1922 йил 18 июлда Туркистон коммунистларининг тўртинчи пленумида килган докладида Кўконга дашноклардан тузилган отряд юборилганини айтади. Улар савдогарлардан тортиб шахарнинг оддий косибларигача хаммасининг бор-будини тортиб олади, ўзларини отиб ўлдиради, мачит-мадрасаларни, Куръони Каримни ёндириб юборадилар, хатто намоз ўкиётганларни ўкка тутадилар, хотин-халажларни зўрлайдилар, кози-уламоларни хибсга оладилар, дехконларнинг овкатидан тортиб уругликларигача хаммасини тортиб оладилар. Шу туфайли «бутун омма совет тартибига кар-ши кўзголон кўтарди», дейди Отабоев. Чўлпоннинг большевизмга, рус боскинчиликларига карши исёни конуний ва адолатли эди:

Кўлимда сўнгги тош колди,  
Ёвимга отмок истайман.

Кўзимда сўнгги ёш колди,  
Амалга етмок истайман.

Бу қаҳрамон, жасур шоирнинг рост сўзлари эди. Хаёт, вокелик шу кадар кайнок, алгов-далговли эдики, бу холат Чўлпон шеърларида «денгиз», «тўлкин», «пўртана», «киёмат» каби образларни тугдирди. «Канот» образида эса эрксизлик ва озодлик учун интилиш туйгусини беради: «Менда канот бор, лекин боғланган», «Чарчаган канотим куч сезди» дейди. Шоирнинг «чечак», «кўклам», «бахор», «гул» образларида хам унинг олий орзу-армони — озодлик, мустакиллик туйгуси ётади. Махмудхўжа Бехбудий хотирасига ёзган шеърида «АЗИЗ отам, кўлимдаги гулларнинг мотам гули эканини билмайсан, шодлик гули кўпдан бери сўлганин», дейди «Кўклам билан юртимга хам бир кўкариш келсайди», деб орзу килади. Шоирнинг «тилак юлдузи», «нажот юлдузи», «чикадиган куёш» иборалари остида хам унинг умиди ётади.

Чўлпоннинг калби, орзу-армони шеъриятигагина эмас, балки бутун ижодига синггиб кетган эди. Хатто «Хамлет» ёки «Она» романни таржимасида хам Чўлпоннинг эрк, адолат, одамийлик ва ҳакикатга бўлган чексиз ташналиги мавж уради. Зероки, бундай асарлар худди шундай рух билан Чўлпонни мафтун этган эди.

Чўлпон ўнлаб драмалар ёзди, кўплари ўз вактида сахналаштирилди. Афсуски, уларнинг талайгинаси босилмаган эди, кўлёзмалари хам йўқ бўлиб кетган. «Бой», «Халил фаранг», «Чўпон севгиси», «Чўрининг исёни», «Узун кулок бобо» каби сахна асарларини ёзган. «Ўрток Каршибоев» пьесаси кўйилганда матбуотда кизгин мунозаралар бўлган. «Ёркинай» пьесаси нашр этилган, 1992 йилда Чўлпоннинг «Замона хотини» (ўз вактида «Муштумзўр» сарлавхасида сахналаштирилган) асари топилиб нашр этилди. Чўлпон В. Яннинг «Хужум» пьесасини ўзбек тилига таржима килиш ва кайта ишлаш, тўлдириш оркали хам ўзбек театри шуҳратини Москвада ёйилишига ўз улушкини кўшди (1930 йилда Москвада ўзбекистонлик артистлар уни намойиш килди ва ижобий баҳоланди). В. Ян ўз «Кундалиги»да «Хужум»ни биз Чўлпон билан бирга ёзганмиз», деб таъкидлаган. Асар тили гоят жозибали, ҳалк кўшиклирига бой, ҳазил, мутойиба, асқиялар сингдирилган унга. 1921 йилда сахна юзини кўрган «Ёркинай»ни танкидчилик найза билан кутиб олган ва хатто «бугундан бошлаб пролетариат сахнасидан кўтариб ташлансин», деб хукм килинган эди матбуотда. Аслида эртак асосида ёзилган бу асарда зулм, адолатсизлик, эрксизлик, конхўрлик каттиқ танкид килиниб, унга карши фаол курашган одамлар улугланган, адолатли, фозил тузум, адолатпарвар шох, чин севги-садокат идеали олга сурилган эди. Ёркинай ва Пўлатлар адолат учун курашчилар тимсоли сифатида берилади. «Замона хотини» (1928) пьесасида аёллар эрки ва уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироқи масаласи кўтарилган бўлса-да, асар моҳиятида адолатли тузум, ҳакикатпарвар ва инсонпарвар жамият орзуси ётади. Бош қаҳрамони Раҳима хола тили оркали Чўлпон «Билингки, хукумат чирог: сизнинг кўлингизда ўғирликка ишласа, менинг кўлимда тўгриликка ишлайди», деб ёзади. Қаҳрамонлардан бири «Кандай килайлик шуларнинг кўлида кул эканмиз», бошкаси «илоҳим, ер ютсин большовойни. Ҳаммани кон какшатиб кетди. Бу хукумат ўзининг амалдорини хам хеч аямайди. Канча катталарни ўзи отиб юборди» дейди. Кўриниб турибдики, Чўлпон ўша тузум, ўша тартибга жуда танкидий ёндашади, ўзи каттиқ тазийикда бўлса хам ҳакикатни айтишдан кайтмайди. Чўлпоннинг жамият, тузум кандай бўлиши керак, ҳалк кандай яшashi кераклиги ва зулм,

зўравонлик, тенгсизлик, мустакиллик хусусидаги карашлари унинг «Кеча ва кундуз» романида янада кенг, атрофлича ўртага ташланди. Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Туркистон халқининг ахволини, турмуш тарзини, чоризм мустамлакачилигининг мудхиш оқибатларини, чор амалдорларининг маънавий бузуклигини ва халқнинг зулмга, зўравонликка карши исёни, маърифат, нурга интилишини акс эттирган бу роман Чўлпон талантининг яна бир ёркин киррасини намойиш килади. Романдаждадид Шарафиддин Хўжаев Мирёкубга чор амалдорларини назарда тутиб: «Биз буларни ёмон кўрамиз. Булар — бизнинг душманлар», «Бизнинг мамлакатимизга рус хукумати бир «мустамлака» деб карайди, яъни мамлакатларнинг ўгайи сингари... Шу учун бу ерга яхши амалдорларни юбормайди», дейди. Чоризм вакили Нойиб тўра хам чоризмнинг инкиroz сари юз тутганини хис килади. У «буюк империя даҳшатли тўлкинлар ичидан зулматга, белгисизликка, йўкликка караб кетаётир», дейди. Мирёкуб империянинг нима эканлигини сўраганда, Тўра подшохнинг девордаги суратини, сўнгра ўзини ва елкасидаги погонини кўрсатади. Чўлпон романда шу империянинг халокат сари йўл тутганига китобхонни ишонтиради: биринчи жаҳон урушида Россиянинг толикиши, мустамлака ўлкаларда маҳаллий халқнинг чор зулмига карши исёнлар кўтаришини кўрсатади. Тўра юзлаб одамларни кириб ташлайди, камокка олади, сургун килади, кишлоқларни ер билан яксон этади, оддий халкни одам ўрнида кўрмай, бой-амалдорларга ён босиши, миллат манфаатини ўйламайдиган лаёкатсиз, кўгиричок одамларни (Акбарали каби) раҳбар килиб тайинлаши, ахлоқий тубанлиги (Тўра хам бузук, хотини эса хизматкор Зуннун, кейин Мирёкуб билан ишрат килади) ва х.к. Хатто кундошлар можароси билан тасодифан захарланиб хаётдан кўз юмган Акбарали мингбоши ўлимини (унинг учинчи хотини Султонхон Зебини захарлаш учун тайёрлаган сувни тунда Зеби билмасдан эри Акбарали мингбошига чириб кўяди) хам Зебини суд килаётганда прокурор «Руия давлатига ва подшога садокат билан танилган одами» касддан ўлдирган деб сиёсий тус беради ва Зебини ўлимга хукм килинишини талаб килади.

Романда Чўлпон ўлканинг мустакилликка эришиши оясини («Кичкина миллатлар мустакил бир хукумат куриб» яшаётганини айтади), туркий халкларнинг бирлашишида «тилда, фикрда, ишда бирлик» керак дейди ва иктисадий бирдамликка эришиш учун шахсий ташаббусга, ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, эркин савдони ривожлантириш лозимлиги тўғрисида фикр юритади. Бу фикр-армонларни жадид Шарафуддин Хўжаев образи оркали, Мирёкуб такдири оркали олга суради. Илгари Акбарали мингбошининг суюнчиги, айтиш мумкин, акли, тили-забони бўлган, нихоятда эпчил, ишбилармон, аммо ахлоқий бузук Мирёкуб жадид Шарафуддин Хўжаев билан сухбатлашгач, жадидликни англайди, «кўзим очилди», дейди ва бундан кейинги хаётини жадидлар каби миллат манфаатига багишлишини айтади. Ёзувчи Мирёкубни унинг виждони оркали тергов килади. Мирёкуб барча килмиш-кидирмишларининг сабабларини айтади. Шу тергов ва кундалик дафтари оркали Мирёкубнинг, Марямнинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Бундай ўринлар драмага ўхшаб кетади. Дарвоке, романда кўрсатиш, харакат, сахнавийлик кучли. Хамма воеа ва қаҳрамонларнинг холати, хатти-харакати, кураши бевосита кўз олдингиизда намоён бўлади. Роман мустакил, аммо бир-бирини такозо этиб турган саҳналардан ташкил топгандай. Бу саҳналар ўткир Драматизм билан сугорилган. Роман заминида фожиавийлик ётади. Асар бошиданок, табиат хам, Зебилар хам эркинликка талпинишади. Ёзувчи Зебини туткун — кафасдаги кушга ўхшатади. У бир оз озодликка

чиккан кушдай кишлокда озод нафас олади ва худди шу ерда тузокка илинади — Акбарали мингбошига тўртинчи хотин бўлиб, кундошлар жанжалининг ўпконига тушади. Бойнинг учала хотинининг тақдири хам фожиали, ўша тузум уларни ахлокий майиб килган. Зебининг суд килиниши жараёни романнинг энг юксак нуктасидир.

Мустамлакачилар Зебини сиёсий жиноятчига чикариб, Сибирга сургун килади. Зеби ўзининг айбизз эканлигига каттик ишонади, бу сода киз суд кўйиб юборгандан уйга кандай кетишини ўйлаб ўтиради. Хукмни эшитгач, лол, карахт бўлиб колади ва уларга бўлган бутун ишончини йўкотади. Отаси Рazzok сўфи аёлларга паст назар билан карап ва бойлар, амалдорлар, айникса, пири эшонларнинг соясига салом берар эди. Зеби тақдирини эшитиб, эшонга ёрдам сўраб боради, у ашула айтиб, хурсанд холда кутиб олади, далда бериш ўрнига уни сургун килмаганликлари учун афсусланади. Шунда Рazzok сўфининг кўзи очилади, унга карши кўл кўтаради. Эшон уни дарра билан савалатиб, музлаган ховузга ташлатади. Кейинча сўфи барибир эшонни ўлдириб кетади. Зеби хажрида онаси хам жинни бўлиб колади. Зебининг илк мухаббати хам гунчалигигидаёк ер билан яксон бўлади. Ёзувчи фожиалар ўтмиш — «кеча» туфайлидир, демокчи бўлади.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи А. Кодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларидан кейин ўзбек адабиётида яратилган етук романлардан бўлиб колди. Чўлпон шеърияти, прозаси, драматургияси ва бебаҳо таржималари доим маҳорат мактаби бўлиб колади.

## АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиглаган малаклар кимлар?  
Шаркнинг оналари, жувонларими?  
Каршимда йиглаган бу жонлар кимлар?  
Куллар ўлкасинг инсонларими?

На учун уларнинг товушларида  
Ўтган асрларнинг оханги йиглар?  
На учун ёзмишнинг ўйнашларида  
Хар юриш кўнглимни наштардек тиглар?

Кенглик хаёллари учдими кўка  
Бутун умидларни ёвларми кўмди?  
Мангу туткунликка кирдими ўлка?  
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?

Кечанинг жон олгич коронгулиги,  
Нажод юлдузини хаёлми билди?  
Шунча туткунларнинг хакки, хаклиги  
Бир ховуч тупрокка курбонми бўлди?

Охимнинг ўтидан чиккан шуълалар,  
Шаркнинг кўкрагида бир топмасми?  
Кўксимдан кисилиб чиккан наъралар,  
Ухлаган дилларга кулиб бокмасму?

## КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Хакорат дилни огритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми,  
Киличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан;  
Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки, сен хам хур тугилгонсан!..